
Фурқат тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлаш шўъбаси тўрт ойлик бажарган ишлари сарҳисоби

2024 йил 1 январ ҳолатига Фурқат тумани тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари ҳисобида **3 171 нафар** ногиронлиги бўлган шахслар мавжуд бўлиб, уларнинг **480 нафари** 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар, **320 нафари** 1-гуруҳ, **2172 нафари** 2-гуруҳ ва **199 нафар**ни 3-гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ташкил этади. 2024 йилнинг ушбу кун ҳолатига ногиронлиги бўлган **23 нафар** фуқароларга ногиронлик гуруҳлари белгиланди ва **34 нафар** фуқароларнинг ногиронлик гуруҳи ўзгартирилди.

Жумладан, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига муурожаат қилган **11 нафар** фуқарога электрон юритмали ногиронлик аравачаси, **44 нафар** фуқарога Сайр қилишга ва хонага моржалланган ногиронлик аравачаси, **23 нафар** фуқарога эшитиш мосламаси, **6 нафар** фуқарога қўлтиқ таёқ, **4 нафар** фуқарога юриш мосламаси-ходунок, **2 нафар** фуқарога тирсакли қўлтиқтаёқ, **10 нафар** фуқарога ҳасса, **12 нафар** фуқарога **38 та** протез-ортопедия маҳсулотлари етказиб берилди.

2024 йилда ногиронлиги бор шахслардан меҳнатга лаёқатли **10 нафари** касбга тайёрлаш бўйича туман Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимига йўналтирилди, шунингдек, **3 нафар** фуқаро доимий иш билан таъминланди.

“Параспорт ўйинларида тасниф қоидалари ва принциплари”га кўра спорт объектларига **9 нафар** фуқарони йўналтирилди ҳамда **5 нафари** параспорт турларига жалб қилинди.

2024 йил давомида яна **150** та реабилитация техник воситалари ва **25** нафар фуқарога **35** дона протез-ортопедия маҳсулотлари олиб бериш режалаштирилган.

2024-05-24 10:46:25